

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига аудиторлик фаолиятини ривожлантириш ва аудиторлик хизматлари сифати учун аудиторлик ташкилотларининг жавобгарлигини оширишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги 734-ХП-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган 78-П-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 149-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 9, 417-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда, 2013 йил, № 4, 98-модда, 2014 йил, № 5, 130-модда, 2015 йил, № 8, 312-модда, 2017 йил, № 4, 137-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги тахрири тасдиқлансин (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, 3 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, 3 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, 3 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, 3 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 138-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, 2018

йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431-моддалар;) 179 ва 179¹-моддалари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“179-модда. Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Аудитор томонидан аудиторлик текширувини ўтказиш чоғида аниқланган бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш фактларини яшириши, аудиторнинг ўз ваколатларидан аудиторлик фаолиятининг принципларига хилоф равишда фойдаланиши, ҳар йилги малака оширишдан ўтмаслиги, аудитор малака сертификатини ўз вақтида қайта расмийлаштирмаслиги, амал қилиши тугатилган аудитор малака сертификатини йўқ қилиш учун махсус ваколатли давлат органига тақдим этмаслиги, худди шунингдек "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 27-моддаси талабларини бузиш -

аудитор ва аудиторлик ташкилотининг раҳбарига энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.”.

179¹-модда. Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиш

Хўжалик юритувчи субъектнинг мажбурий аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиши, худди шунингдек "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 35-моддаси талабларини бузиш -

хўжалик юритувчи субъект раҳбарига энг кам иш ҳақининг қирқ баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.”.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги 223-І-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ-370-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 128-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, 2018 йил, № 1, 4-модда) **109-моддасининг** учинчи қисми **чиқариб ташлансин;**

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги 310-ІІ-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, 2018 йил, № 1, 4-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **33-моддани олтинчи қисмининг тўртинчи хатбоши** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“аудиторлик хулосаси (мавжуд бўлган тақдирда);”.

2) **46-модданинг** иккинчи қисми **чиқариб ташлансин;**

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;
ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва
аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга
киради.

Ўзбекистон Республикаси
ҚОНУНИ

Аудиторлик фаолияти тўғрисида
(янги таҳрир)

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Мазкур Қонуннинг мақсади

Мазкур Қонуннинг мақсади аудиторлик фаолиятини амалга оширишда юзага келадиган муносабатларини тартибга солиш ҳисобланади.

2-модда. Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа Қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Банкларни ва бошқа кредит ташкилотларини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан белгиланади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Мазкур Қонунни қўллаш соҳаси

Мазкур Қонун аудиторлик ташкилотлари, аудиторлар, аудиторлик хизматлари буюртмачилари ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари фаолиятида қўлланилади.

Мазкур Қонун давлат молиявий назорати ва юридик шахсларнинг ички аудити соҳасида юзага келадиган муносабатларда қўлланилмайди.

4-модда. Асосий тушунчалар

Мазкур Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аудиторлик фаолияти – аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик хизматлари кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти;

аудиторлик ташкилоти – маълумотлари махсус ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган аудиторлик ташкилотлари реестрига киритилган тижорат ташкилоти;

аудиторлик текшируви – молиявий ҳисобот тўғрисида мустақил фикр билдириш мақсадида аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказиладиган текширув;

аудитор – аудитор малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахс;

аудиторлик хизматлари буюртмачиси – аудиторлик ташкилоти билан аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси тузган шахс;

аудитор малака сертификати – аудиторнинг малакасини тасдиқловчи ва аудиторлик ташкилоти номидан аудиторлик хизматлари кўрсатиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат;

профессионал этика кодекси – аудиторлар амал қилиш мажбур бўлган этика қоидалари тўплами;

манфаатлар тўқнашуви – аудиторлик ташкилотининг манфаати молиявий ҳисобот ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборот тўғрисида фикр билдиришга таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолат;

аудитнинг халқаро стандартлари – Бухгалтерларнинг халқаро федерацияси томонидан чоп этиладиган стандартлар;

халқаро бухгалтер сертификати – “Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (CIPA)”, “Сертификатланган қасамёд қилган бухгалтер (ACCA)”, “Сертификатланган жамоат бухгалтери (CPA)”, белгиланган даврий малака оширишни тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлганда;

даъвогар – аудитор малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонида қатнашишга даъвогар жисмоний шахс;

профессионал хизматлар – аудиторлик ташкилотининг аудиторлик фаолиятига боғлиқ хизматлари;

аудиторлик ташкилотлари реестри – махсус ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган ва маълум санага шакллантирилган аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга аудиторлик ташкилотлари рўйхати;

аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси – аудиторлар ва аудиторлик ташкилотларини бирлаштирадиган ноижорат ташкилот.

5-модда. Аудиторлик фаолиятининг асосий принциплари

Аудиторлик фаолияти мустақиллик, холислик, эркинлик, профессионал малакалилик ва маҳфийлик принциплари асосида амалга оширилади.

6-модда. Мустақиллик принципи

Аудиторлик ташкилотлари ўз фаолиятида мустақил ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилоти фаолиятига бирор-бир тарзда аралashiшга йўл қўйилмайди.

Аудиторлик ташкилотининг мустақиллигига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, у аудиторлик хизматларини кўрсатишдан воз кечиши керак.

7-модда. Холислик принципи

Аудиторлар манфаатлар тўқнашуви ёки бошқа шахслар томонидан босимлар сабаби бўйича ўз профессионал мулоҳазасини рискка қўймаслиги лозим.

8-модда. Эркинлик принципи

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текширувини ўтказиш ва профессионал хизматлар кўрсатишнинг шакли ва усулини эркин белгилайди.

9-модда. Профессионал ваколатлилиқ принципи

Аудиторлар аудиторлик фаолияти стандартларига риоя қилади, аудиторлик ташкилоти номидан сифатли аудиторлик хизматларини кўрсатиш учун етарли даражада профессионал билим ва кўникмаларини сақлайди.

10-модда. Махфийлик принципи

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлари ва ишчилари аудиторлик хизматларини кўрсатишда аниқланган маълумотларни ошкор этмаслиги лозим, конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

11-модда. Аудиторлик фаолиятининг стандартлари ва Профессионал этика кодекси

Аудиторлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳамда Бухгалтерларнинг халқаро федерацияси ҳузуридаги Халқаро аудиторлик амалиёти бўйича қўмитанинг Ўзбекистон Республикасида расмий эълон қилишга ёзма рухсатига эга аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари веб-сайтида эълон қилинган аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ амалга оширилади.

Аудиторлик ташкилотларининг ички стандартлари аудиторлик тартиб-таомилларга аудиторлик хизматлар кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб аудитнинг халқаро стандартларида белгиланган талабларга қўшимча талабларни белгилайди. Аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик фаолияти ички стандартлари аудитнинг халқаро стандартлари зид бўлмаслиги керак.

Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари аудиторлар учун ягона Профессионал этика кодексини тасдиқлайди ҳамда аудиторлар ва аудиторлик ташкилотларининг унинг талабларига риоя қилишини таъминлайди.

12-модда. Аудитор

Аудитор аудиторлик ташкилотлари номидан агар аудиторлик ташкилоти штатида турган бўлса ёки аудиторлик ташкилоти билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузилган бўлса аудиторлик хизматларини кўрсатади.

Аудитор меҳнат шартномаси бўйича ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича фақат битта аудиторлик ташкилоти билан ишлаши мумкин.

Аудитор ўзи ишлаётган фақат битта аудиторлик ташкилоти таъсисчиси (иштирокчиси) бўлиши мумкин.

Аудитор аудитор малака сертификати олган йилдан кейинги йилдан бошлаб хар календар йили давомида махсус ваколатли давлат органи аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда тасдиқланган аудиторлар маслакасини оширишнинг ягона дастури бўйича ўқитишдан ўтади.

Муқаддам аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузилиши муносабати билан аудиторлик ташкилоти реестридан чиқарилган аудиторлик ташкилотига раҳбарлик қилган аудитор бошқа аудиторлик ташкилотида раҳбар бўла олмайди.

Аудитор аудиторлик текширувини сифатсиз ўтказганлиги, тижорат сирини ошкор этганлиги ҳамда бошқа хатти-ҳаракатлари оқибатида аудиторлик ташкилотига зарар етказганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик ташкилоти олдида жавобгар бўлади.

13-модда. Аудитор ёрдамчиси

Аудиторнинг ёрдамчиси аудитор малака сертификатига эга бўлмаган ва аудиторлик хулосасида ҳамда аудиторлик текширувини ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа расмий ҳужжатда имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлмаган тарзда аудиторнинг топшириғига биноан аудиторлик текширувида иштирок этаётган жисмоний шахсдир.

Аудитор ёрдамчисининг меҳнат шартлари қонун ҳужжатларида қайд этилган тартибда тузилган меҳнат шартномаси билан белгиланади.

Аудитор ёрдамчиси меҳнат шартномаси бўйича ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича фақат битта аудиторлик ташкилоти билан ишлаши мумкин.

Аудиторлик текширувини амалга оширишда олинган маълумотларни ошкор этмаслик мажбурияти аудиторнинг ёрдамчисига нисбатан татбиқ этилади.

Аудитор ёрдамчиси сифатида ишланган вақт аудитор малака сертификатини олиш учун зарур бўладиган иш стажига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўшилади.

2-БОБ. АУДИТОР МАЛАКА СЕРТИФИКАТИ

14-модда. Аудитор малака сертификатининг амал қилиш муддати

Аудитор малака сертификати (бундан буён матнда Сертификат деб юритилади) дастлаб беш йиллик муддатга берилади, навбатдаги муддати ўн йилга ва ундан кейин муддатсиз даврга узайтирилади.

15-модда. Малака имтиҳони

Сертификат малака имтиҳони муваффақиятли топширилганда берилади.

Бухгалтер халқаро сертификатига эга даъвогарларга Сертификат дастлаб беш йиллик муддатга малака имтиҳонини топширмасдан берилади.

Сертификатнинг амал қилиш муддати қуйидаги ҳолларда малака имтиҳонини топширмасдан узайтирилади:

10 йилдан кам бўлмаган узлуксиз аудитор иш стажы мавжуд бўлганда – муддатсиз даврга;

Халқаро бухгалтер сертификати мавжуд бўлганда навбатдаги муддати ўн йилга ва ундан кейин муддатсиз даврга узайтирилади.

Даъвогар ёки аудиторнинг Сертификатни олиши ёки амал қилиш муддатини узайтириши учун малака имтиҳонини ўтказиш шаклида компьютер тест синови усулида амалга оширилади.

Малака имтиҳони тўғрисидаги маълумот махсус ваколатли давлат органининг веб-сайтида жойлаштирилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

тест синови бўлимлари мавзуси;

малака имтиҳонини ўтказиш санаси ва жойи;

малака имтиҳонини топширишга рухсат берилганлар рўйхати;

Малака имтиҳонининг натижаси малака имтиҳони ўтказилган кунда даъвогарга эълон қилинади ва махсус ваколатли давлат органининг веб-сайтида малака имтиҳони ўтказилганидан сўнг икки кундан кечикмай жойлаштирилади.

Малака имтиҳони ҳар чорақда камида бир марта ўтказилади.

Малака имтиҳони топшира олмаган даъвогар ёки аудитор малака имтиҳонида иштирок этган санадан бошлаб камида бир ойдан кейин малака имтиҳонини қайта топширишга рухсат берилади.

Сертификатни бериш тартиби ва малака имтиҳонини ўтказиш регламенти аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

16-модда. Имтиҳон комиссияси

Малака аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари иштирокида имтиҳони комиссия раисини ўз ичига олганда тўрт кишидан кам бўлмаган таркибдаги имтиҳон комиссияси томонидан ўтказилади.

Имтиҳон комиссиясининг шахсий таркиби махсус ваколатли давлат органининг буйруғи билан тасдиқланади.

Имтиҳон комиссиясининг раиси махсус ваколатли давлат органининг вакили ҳисобланади.

Имтиҳон комиссияси ҳар бир малака имтиҳони учун алоҳида ташкил қилинади ва доимий фаолият кўрсатувчи ҳисобланмайди.

Имтиҳон комиссиясининг қарорлари имтиҳон комиссияси раиси ва барча аъзолари томонидан имзоланадиган баённомалар билан расмийлаштирилади.

17-модда. Даъвогарга малака талаблари

Сертификатни олишга даъвогар олий маълумотга, аудиторлик ташкилотида икки йиллик иш стажига (шу жумладан ўриндошлик асосида) эга бўлиши керак.

“Бухгалтерия ҳисоби” ва “Аудит” йўналишлари бўйича магистр дипломига эга даъвогардан аудиторлар ташкилотларида бир йиллик амалий иш стажига (шу жумладан ўриндошлик асосида) эга бўлиши талаб этилади.

Даъвогарда иқтисодиёт соҳасида илмий даражаси мавжуд бўлганда аудиторлик ташкилотида амалий иш стажига талаб этилмайди.

18-модда. Малака имтиҳонида иштирок этиш учун зарур ҳужжатлар

Даъвогар ва аудитор малака имтиҳонида иштирок этиши учун махсус ваколатли давлат органига қуйидагиларни тақдим этади:

почта ва электрон адресни кўрсатган ҳолда малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш тўғрисида ариза;

маълумоти тўғрисида диплом ёки фаннинг иқтисодиёт соҳасида илмий даражасини олганлиги тўғрисида диплом (нусхаси олиниб, асли қайтарилади) ёхуд ушбу ҳужжатларни берган муассасалар томонидан тасдиқланган уларнинг нусхалари ёки маълумоти тўғрисида ёки фаннинг иқтисодиёт соҳасида илмий даражасини олганлиги тўғрисида ҳужжатни нострификацияланлиги (эквивалентлигини қайд этилганлиги) ҳақида ваколатли давлат органининг шаҳодатномаси (ҳорижий таълим муассасаларида олинган олий маълумот ёки илмий даража тўғрисида диплом мавжуд бўлганда) (нусхаси олиниб, асли қайтарилади) ёки мазкур ҳужжатни берган муассаса томонидан тасдиқланган уларнинг нусхалари;

меҳнат дафтарчаси (нусхаси олиниб, асли қайтарилади) (ўриндолик бўйича иш стажи мавжуд бўлганда меҳнат дафтарчасида бу ёзувлар билан)

иккита фотосурат (3 x 4);

Малака имтиҳонида иштирок этиш учун аризани кўриб чиқиш учун энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдориде йиғим тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжати нусхаси;

паспорт нусхаси.

Мазкур моддада назар тугилмаган ҳужжатларни даъвогардан талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Ҳужжатлар бевосита, почта алоқаси воситаси орқали ёки уларнинг олинганлиги тўғрисидаги маълумот билан электрон шаклда тақдим қилинади. Электрон шаклда тақдим қилинган ҳужжатлар электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

19-модда. Малака имтиҳонида иштирок этиш учун аризани кўриб чиқиш

Махсус ваколатли давлат органи ариза келиб тушган кундан бошлаб 3 иш куни давомида малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Агарда рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинса, шу куннинг ўзида даъвогарга рад этишга асосни келтирган ҳолда қабул қилинган қарор тўғрисида хат орқали ёки электрон шаклда хабар қилинади.

Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилинганда аризалар келиб тушган санани ҳисобга олиб малака имтиҳонини топширишга рухсат берилганлар рўйхати кейинчалик имтиҳон комиссиясига бериш учун шакллантирилади.

Малака имтиҳонини топширишга рухсат берилган даъвогарлар малака имтиҳонини ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида уни ўтказишдан олдин 10 кундан кечикмай хабар қилинади.

20-модда. Малака имтиҳонини топширишни рад этиш

Даъвогарга малака имтиҳонини топширишга рухсат беришни рад этиш учун асос қуйидагилар ҳисобланади:

ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда тақдим этмаслик;

тақдим қилинган ҳужжатларда ҳаққоний бўлмаган ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда;

даъвогарнинг малака талабларига жавоб бермаслиги.

Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш рад этилган даъвогарлар камчиликлар бартараф этилгандан сўнг қайта мурожаат қилиши мумкин. Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш рад этилишига асос бўлган камчиликларни бартараф этиш учун даъвогарга 10 кундан кўп бўлмаган муддат берилади.

Ҳужжатларни қайтадан кўриб чиқиш 3 иш куни ичида амалга оширилади. Даъвогарнинг аризасини қайтадан кўриб чиқиш учун йиғим ундирилмайди.

Даъвогар малака имтиҳонини топширишга рухсат беришни рад этилишига асос бўлган камчиликларни 10 кун мобайнида бартараф этолмаса, даъвогарнинг аризаси янги тақдим этилган ҳисобланади.

21-модда. Сертификатни бериш, амал қилиш муддатини узайтириш, қайта расмийлаштириш ва дубликатини бериш

Сертификат махсус ваколатли давлат органи томонидан аудиторлар реестрида малака сертификат эгасидан тилхат олиб ёки бошқа шахсга ишончнома асосида берилади.

Сертификат фотосурат ёпиштирилган махсус бланкда расмийлаштирилади ва Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида юридик кучга эга.

Сертификатнинг амал қилиш муддати илгари берилган аудитор малака сертификат бланкасида кўрсатилган амал қилиш муддати тугаган санадан узайтирилади.

Аудитор Сертификатининг амал қилиш муддати тугашидан 3 ой олдин, бироқ Сертификатининг амал қилиш муддати тугашидан 6 ойдан кўп бўлмаган муддатда махсус ваколатли давлат органига қуйидаги ҳужжатларни йўллайди:

Сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза;

Сертификатнинг асл нусхаси ва ҳар йили аудиторлар малакасини ошириш курсларини ўтаганлиги ҳақидаги гувоҳнома (нусхаси олиниб, асли қайтарилади) ёхуд ушбу ҳужжатни берган муассаса томонидан тасдиқланган нусхаси;

ҳалқаро бухгалтер сертификати (нусхаси олиниб, асли қайтарилади), мавжуд бўлганда, ёки ушбу ҳужжатни берган муассаса томонидан тасдиқланган нусхаси, белгиланган даврий малака ошириши тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда;

Сертификатнинг амал қилишини узайтириш учун энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида йиғим тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати нусхаси; меҳнат дафтарчаси (нусхаси олиниб, асли қайтарилади).

Сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш мазкур модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган талаблар бажарилганда амалга оширилади.

Сертификат эгасининг фамилияси (исми, отасининг исми) ўзгарган тақдирда, Сертификатни қайта расмийлаштириш амалга оширилади. Сертификатни қайта расмийлаштириш аудитор томонидан қайта расмийлаштирилдиган Сертификат,

иккита фотосурат (3 х 4 ўлчамдаги) ва тегишли ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаларини илова қилган ҳолда аризани топширган кундан бошлаб 5 кун мобайнида амалга оширилади. Сертификатни қайта расмийлаштиришда Сертификатнинг янги бланкаси илгари берилган рақам ва илгари белгиланган амал қилиш муддати билан берилади ҳамда илгари берилган Сертификат бланкаси йўқ қилинади.

Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган Сертификатнинг ўрнига дубликат берилади. Сертификат эгаси матбуотда Сертификатнинг йўқолгани ҳақида эълон бериши ва эълон тасдиғини махсус ваколатли давлат органига тақдим этиши лозим. Сертификатнинг дубликати ўша рақам билан ва илгари белгиланган амал қилиш муддатига берилади ҳамда малака Сертификатнинг янги бланкасида “Дубликат” деб мажбурий тарзда ёзиб қўйилади.

Яроқсиз ҳолга келган Сертификат махсус ваколатли давлат органига қайтарилиши ва йўқ қилиниши шарт.

22-модда. Сертификатнинг амал қилишини тугатиш

Сертификатнинг амал қилишини тугатиш учун қуйидагилар асос бўлиб ҳисобланади:

аудиторнинг аризаси;

аудиторлик фаолиятида уч йил давомида иштирок этмаслик;

Сертификат расмийлаштирилган санадан бошлаб уч ой мобайнида аудитор Сертификатни олиш учун келмаганда;

Сертификатни ўз вақтида қайта расмийлаштирмаслик ва амал қилиш муддатини узайтирмаслик;

махсус ваколатли давлат органининг Сертификат бериш тўғрисидаги ноқонуний қарори;

сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда Сертификат олиш;

аудиторлик хизматларини кўрсатиш давомида олинган маълумотларни аудитор томонидан учинчи шахсларга аудиторлик хизматлари буюртмачисининг рухсатсиз тақдим этилиши, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

аудиторлик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатлари талабларини мунтазам (икки мартадан ортиқ) ёки бир марта қўпол равишда бузиш;

аудиторлик текширувини ўтказишда аниқланган, хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш, шунингдек молиявий ҳисоботни тузиш бўйича белгилаб қўйилган талабларни бузиш фактларининг аудитор томонидан яширилиши;

Сертификатни бошқа шахсга унинг ўз номидан аудиторлик хизматларини кўрсатиши учун ушбу ҳужжатдан фойдаланиш мақсадида бериш фактининг аниқланиши;

иктисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун суд томонидан жиноий жавобгарликка тортилиши;

фуқарони белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги суднинг қарори.

Аудиторлик фаолиятини амалга ошираётганда қуйидаги ҳолатлар Сертификат амал қилишини тугатиш учун асос ҳисобланадиган қонун ҳужжатлари талабларини бир марта қўпол равишда бузиш деб топилади:

аудиторлик текширувини амалга ошириш чоғида мустақилликни таъминламаганлик;

қасдан сохта аудиторлик хулосасини тузиш;

аудиторлик текширувини ўтказиш чоғида олинган махфий ахборотни аудиторлик текшируви буюртмачисининг рухсатисиз ошкор қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

аудиторлик текширувини ўтказиш чоғида аниқланган хўжалик юритувчи субъект томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш, шунингдек молиявий ҳисоботни тузиш бўйича белгиланган талабларни бузиш фактларининг аудитор томонидан яширилиши;

Сертификатни бошқа шахсга унинг ушбу ҳужжатдан ўз номидан аудиторлик фаолиятида иштирок этиш учун фойдаланиш мақсадида бериш фактининг аниқланиши;

аудиторнинг назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўтказиладиган текширишларда аудиторлик ташкилоти ва ушбу органлар ўртасида шартнома тузмасдан мутахассис сифатида иштирок этиши;

аудиторнинг бир вақтнинг ўзида биттадан ортиқ аудиторлик ташкилотида аудиторлик фаолиятини амалга ошириши;

аудитор бир вақтнинг ўзида биттадан кўп аудиторлик ташкилотида муассис (иштирокчи) бўлиши фактининг аниқланиши;

ҳар йилги малака оширишдан ўтмаслик.

Сертификатнинг амал қилиши уни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан бошлаб тугатилади.

Махсус ваколатли давлат органининг Сертификатни амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

Аудиторлик фаолиятини амалга оширишни тугатишга сабаб бўлган қоидабузарликларга йўл қўйган аудиторлик ташкилоти раҳбари ва аудитори сертификатларининг амал қилиши аудиторлик ташкилотининг маълумотлари аудиторлик ташкилотлари реестридан чиқарилган санадан эътиборан тугатилади.

Мазкур модданинг биринчи қисми бешинчи – ўн учинчи хатбошиларида назарда тутилган асосларга кўра Сертификатларнинг амал қилиши тугатилган аудитор унинг амал қилиши тугатилган кундан бошлаб уч йил мобайнида Сертификатни олиш тўғрисидаги ариза билан қайтадан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Сертификатни амал қилиши тугатилганлиги тўғрисидаги қарор махсус ваколатли давлат органининг веб-сайтида жойлаштирилиши лозим.

Сертификатнинг амал қилиши тугатилганлиги тўғрисидаги қарор олинган кундан бошлаб 10 кун ичида Сертификат йўқ қилиниши учун махсус ваколатли давлат органига қайтарилиши лозим.

23-модда. Сертификатга эга бўлган аудиторлар реестри

Махсус ваколатли давлат органи Сертификатга эга бўлган аудиторлар реестрини юритади ва унда қўйидагилар кўрсатилади:

аудитор малака сертификатини олиш санаси, олган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва имзоси;

паспорт маълумотлари ва яшаш жойи;

иш жойи;

Сертификатнинг рақами, берилган санаси;

ҳар йили малака ошириш курсларидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот;

ҳалқаро бухгалтер сертификатининг номи ва берилган санаси;

Сертификатнинг амал қилишини узайтириш, тугатиш, бекор қилиш, қайта расмийлаштириш ва дубликатини бериш тўғрисидаги маълумотлар.

Махсус ваколатли давлат органининг веб-сайтида аудиторлар реестридан танишиш учун очиқ бўлган маълумотлар жойлаштирилади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

аудиторнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

Сертификатнинг рақами, берилган санаси;

Сертификатнинг амал қилиш муддати;

аудиторларнинг малакасини оширганлиги тўғрисидаги маълумот (йил якуни бўйича);

Сертификатнинг амал қилишини тугатиш, бекор қилиш ва дубликатини бериш тўғрисидаги маълумотлар.

3-БЎЛИМ. АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ

24-модда. Аудиторлик хизмати

Аудиторлик хизматлари аудиторлик текшируви, шу жумладан махсус белгиланган ҳамда профессионал хизматларни ўз ичига олади.

Аудиторлик хизматлари аудиторлик ташкилоти ва аудиторлик хизматлари буюртмачиси ўртасида тузилган шартнома асосида кўрсатилади. Аудиторлик хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартнома аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги суғурта полиси мавжуд бўлганда тузилади.

Аудиторлик ташкилоти тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланиши мумкин эмас.

Давлат бошқарув органли томонидан аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ман қилинади.

Аудиторлик ташкилотлари реестрида маълумотлари киритилмаган ташкилотлар аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясиз фаолият юритишга тенглаштирилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тотилади.

25-модда. Аудиторлик ташкилоти

Аудиторлик ташкилоти ўзи ҳақидаги маълумот аудиторлик ташкилоти реестрига киритилган кундан аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

Аудиторлик ташкилотлари ўз фаолиятини амалга оширишда мустақилдир.

Аудиторлик ташкилотлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқарув органлари томонидан тузилиши мумкин эмас.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланадиган бошқа шахслар аудиторлик ташкилотларининг муассислари бўла олмайдилар.

Аудиторлик ташкилотлари акциядорлик жамияти кўринишидан ташқари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилиши ва ўз фаолиятини қуйидаги мажбурий шартларга риоя этган ҳолда амалга ошириши мумкин:

аудиторлик ташкилоти асосий иш жойи ҳисобланган аудиторларнинг энг кам сони камида тўрт нафар штатдаги аудитордан иборат бўлади;

устав капитали аудиторлик ташкилоти фаолиятини амалга оширишда бевосита фойдаланиладиган мол-мулкдан, шу жумладан, пул маблағларидан шакллантирилади;

аудиторлик ташкилоти устав капиталининг камида эллик бир фоизи мазкур аудиторлик ташкилотининг штатдаги бир ёки бир неча аудиториға тегишли бўлиши керак (аудиторлик ташкилоти - чет эл аудиторлик ташкилотининг филиали ёки шуъба корхонаси тузилган ҳоллар бундан мустасно).

аудиторлик ташкилотига фақат мазкур аудиторлик ташкилоти асосий иш жойи бўлган аудитор раҳбар бўлиши керак;

аудиторлик ташкилоти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат хизматлари марказларида давлат рўйхатидан ўтиши керак.

Аудиторлик ташкилоти бошқа аудиторлик ташкилотининг муассиси (иштирокчиси) бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аудиторлик ташкилотининг филиалини тузишда филиал раҳбари аудитор бўлиши керак.

Аудиторлик ташкилотининг фирма номида “аудиторлик ташкилоти” сўз бирикмаси ифодаланиши ва мазкур ном бошқа аудиторлик ташкилотларининг фирма номлари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларға ўхшаш бўлган белгилар билан кўрсатилмаслиги керак. Ушбу модда талабларига жавоб бермайдиган юридик шахс ўз номида “аудиторлик ташкилоти” сўз бирикмасидан фойдаланишға ҳақли эмас.

Тижорат ташкилоти, агар у ҳақдаги ахборот Тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестриға киритилган санадан бошлаб уч ой давомида аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияға эға бўлган аудиторлик ташкилотлари реестриға киритилмаган бўлса, ўз номида "аудиторлик ташкилоти" сўзларидан фойдаланишға ҳақли эмас;

26-модда. Аудиторлик ташкилотининг ҳуқуқлари

Аудиторлик ташкилоти қуйидаги ҳуқуқларға эғадир:

аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг таъсис ҳужжатлари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот ҳужжатлари билан олдиндан танишиб чиқиш;

аудиторлик текшируви ўтказиш шакллари ва усулларини мустақил белгилаш;

аудиторлик текшируви ўтказилаётганда хўжалик юритувчи субъект амалга ошираётган молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда олиш, шунингдек ушбу ҳужжатларда ҳисобға олинган ҳар қандай мол-мулкнинг амалда мавжудлигини ҳамда ҳар қандай мажбуриятларнинг амалдаги ҳолатини текшириш;

аудиторлик текширувини ўтказиш давомида юзаға келган масалалар бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг моддий жавобгар шахсларидан оғзаки ва ёзма

тушунтиришлар олиш ҳамда аудиторлик текшируви учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни олиш;

учинчи шахслар томонидан ёзма тасдиқланган ахборотни хўжалик юритувчи субъектдан олиш;

ишончли аудиторлик хулосасини тузиш учун зарур бўлган барча ахборот хўжалик юритувчи субъект томонидан тақдим этилмаган тақдирда аудиторлик текшируви ўтказишдан бош тортиш;

аудиторлик текширувини ўтказишда иштирок этишга аудиторлар ва бошқа мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этиш;

аудиторлик текшируви билан қамраб олинган даврда хўжалик юритувчи субъектга профессионал хизматлар кўрсатиш, бундан бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, тиклаш, юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш мустасно, миллий молиявий ҳисоботни молиявий ҳисобот халқаро стандартларига мувофиқлаштириш, хўжалик юритувчи субъект тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) вазифаларини амалга ошириш;

аудиторларнинг республика жамоат бирлашмасига аъзо бўлиб кириш.

Аудиторлик ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

27-модда. Аудиторлик ташкилотининг мажбуриятлари

Аудиторлик ташкилоти мумкин:

ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиши;

аудиторлик ташкилоти жавобгарлигининг суғурта полиси мавжуд бўлган тақдирда фақат аудиторлик фаолиятини амалга ошириш;

аудиторлик хизматини кўрсатишда шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажариш;

аудиторлик хизмати буюртмачиси талабига биноан Сертификатини (аудитор) кўрсатиш;

хўжалик юритувчи субъектнинг сўровига биноан аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича қонун ҳужжатларининг талаблари тўғрисидаги, аудиторнинг эътирозлари асосланган қонун ҳужжатларининг нормалари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши;

аудиторлик текширувини амалга оширишда олинган ахборотнинг маҳфийлигига риоя этиши;

аудиторлик хулосалари нусхаларини аудиторлик ташкилотида камида беш йил сақланишини таъминлаши;

аудиторларнинг бир йилда бир марта малака ошириш курсларидан ўтишларини таъминлаши;

аудиторлик ташкилотларини рэнкинг учун аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси сўровига кўра ахборот тақдим этиши;

Аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари тўғрисида ёки хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахслари ва бошқа ишчилари томонидан унга зарар етказилганлигини тасдиқловчи фактлар тўғрисида хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти ёзма шаклда хабардор қилиш. Зарур ҳолларда аудиторлик текшируви натижаларини етказиш мақсадида қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда иштирокчилар (акцидорлар) умумий йиғилишини чақириш. Агарда тақдим қилинган маълумотни кўриб чиқиш бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг

бошқарув органи тмонидан чоралар кўрилмаса, аудиторлик ташклоти тегишли ваколатли давлат органини бу ҳақда хабардор қилади.

аудиторлар ишининг сифати назорат қилинишини таъминлаши шарт;

аудиторлик ташкилоти раҳбари алмашганлиги ва (ёки) аудиторлар таркиби ўзгарганлиги тўғрисида, ўз почта манзили ва электрон манзили ўзгаргани тўғрисида махсус ваколатли органни 5 кун муддатда почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда хабардор қилиш;

аудиторлик ташкилоти раҳбари лавозимига фақат мазкур аудиторлик ташкилоти асосий иш жойи бўлган аудитор тайинланади;

аудиторлик ташкилоти енг камида уч йилда бир марта аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назоратдан ўтиш ва уни ўтказишга тўсқинлик қилмаслик;

йил якуни бўйича аудиторлик фаолияти маълумотларни 20 январгача почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда тақдим этиш;

Мажбурий аудиторлик текширувлари тўғрисидаги ахборот, идентификация маълумотларини ва аудиторлик хулосасини кўрсатган ҳолда аудиторлик ташкилотлари ўзларининг веб-сайтларида ёки аудиторлар жамоат бирлашмаларининг веб-сайтларида жойлаштирилиш;

Аудиторлик текшируви ўтказиш жараёнида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар мавжуд бўлганда, ёки шундай ҳолатлар аломати бўлганда ёки содир бўлиш еҳтимоли бўлганда хўжалик юртувчи субъект раҳбарига хабар бериш;

Ўзбекистон Республикаси “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ шубҳали операциялар тўғрисида махсус ваколатли давлат органига маълумот бериш.

Аудиторлик ташкилоти зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

28-модда. Аудиторлик ташкилоти ва аудиторлар жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик хизмати буюртмачилари олдида аудиторлик фаолиятини амалга ошириш натижасида уларга етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

Аудиторлик текширувини сифатсиз ўтказганлик ёки лозим даражада ўтказмаганлик оқибатида хўжалик юритувчи субъектга ва (ёки) аудиторлик текширувининг буюртмачисига етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши шарт.

Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун талабларини бузганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

29-модда. Аудиторлик текшируви

Аудиторлик текшируви ҳисобот даври молиявий ҳисоботи ва у билан боғлиқ молиявий ахборотининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш учун молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик ташкилотининг ҳолис фикрини билдириш мақсадида ўтказилади.

Аудиторлик текшируви ушбу Қонуннинг 30 моддасида назарда тутилган талабларга амал қилган ҳолда, аудиторлик фаолияти стандартларига мувофиқ мажбурий ва ташаббус тарзидаги шаклларда ўтказилади.

Давлат сири, маълумоти бўлган молиявий ҳисобот аудиторлик текшируви қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилади.

Махсус белгиланган аудиторлик текшируви аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилади.

30-модда. Аудиторлик текшируви ўтказишдаги чекловлар

Қуйидагиларга аудиторлик ташкилотлари томонидан аудиторлик текшируви ўтказиш тақиқланади:

1) мазкур аудиторлик ташкилотининг таъсисчилари, иштирокчилари, кредиторлари, суғурталовчилари бўлган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан, шунингдек ушбу аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар уларга нисбатан таъсисчилар, иштирокчилар, акциядорлар бўлган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан;

2) таъсисчилари, иштирокчилари, акциядори шунингдек раҳбарлик функциясини ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш функциясини амалга ошираётган шахс айни бир пайтнинг ўзида ушбу аудиторлик ташкилотининг таъсисчилари, иштирокчилари бўлган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан;

3) мазкур хўжалик юритувчи субъектга аудиторлик текшируви қамраб оладиган даврда ушбу Қонун 31-моддаси биринчи қисмининг иккинчи – тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган профессионал хизматлар кўрсатганлар;

4) ходими бир вақтнинг ўзида мазкур аудиторлик ташкилотининг ходими бўлган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан.

5) текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг таъсисчилари (иштирокчилари) ёки раҳбарлик функциясини ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш функциясини амалга ошираётган шахслар билан яқин қариндош бўлган ишчиларига;

6) манфаатлар тўқнашуви юзага келишига ёки бундай тўқнашув юзага келишига хавф туғдирадиган ҳолатлар;

Аудиторлик ташкилоти айнан бир хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини кетма-кет етти йилдан ортиқ аудиторлик текширувидан ўтказишга ҳақли эмас.

31-модда. Аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлари

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолияти билан боғлиқ бўлган қуйидаги профессионал хизматларини кўрсатишлари мумкин:

бухгалтерия ҳисобини юритиш, қайта тиклаш ва юритиш, молиявий ҳисоботни тузиш;

молиявий ҳисоботларни молиявий ҳисобнинг халқаро стандартларига мувофиқ тузиш;

юридик шахс тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) вазифаларини амалга ошириш;

солиқ қонунчилигини қўллаш масалалари юзасидан маслаҳат бериш;

молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва молиявий режалаштириш, иқтисодий, молиявий ва бошқарув маслаҳат бериш;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш масалалари бўйича маслаҳат бериш;

бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни тузиш, солиқ солиш, аудиторлик хизматлари кўрсатиш, молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва молиявий режалаштириш бўйича семинарлар, конференциялар ўтказиш;

бухгалтерия ҳисоби юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишни автоматлаштириш, автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисобини ва молиявий ҳисобот тузишни ўқитиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

аудиторлик хизматлари кўрсатиш, молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва молиявий режалаштириш, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш бўйича услубий материаллар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

аудиторлик фаолияти соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва уларнинг натижаларини тарқатиш, шу жумладан электрон ва қоғоз шаклидаги ахборот ташувчиларда

аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ бошқа хизматлар.

32-модда. Аудиторлик фаолиятига аралашшига йўл қўймаслик

аудиторлик ташкилоти фаолиятига ноқонуний аралашшига ва аудиторлик ташкилотига ҳамда унинг ходимларига исталган шаклда таъсир кўрсатишга йўл қўйилмайди.

4-БОБ. АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ

33-модда. Мажбурий аудиторлик текшируви

Қуйидаги ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ташкилотлар ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши керак:

акциядорлик жамиятлари;

банклар ва бошқа кредит ташкилотлари;

суғурта ташкилотлари;

инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар ҳамда уларнинг инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар;

манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари бўлмиш хайрия фондлари ва бошқа ижтимоий фондлар;

маблағларининг ҳосил бўлиш манбалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан қилинадиган мажбурий ажратмалар бўлмиш бюджетдан ташқари фондлар;

устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат унитар корхоналари;

фонд ва товар биржалари;

ҳисобот йили якуни бўйича қуйидаги шартлардан бир вақтнинг ўзида иккитасига жавоб берган тижорат ташкилотлари: активларнинг баланс қиймати энг кам иш ҳақининг 100 минг баробар миқдоридан ортиқ бўлса, маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушум энг кам иш ҳақининг 200

минг баробар миқдоридан ортиқ бўлса, ходимларнинг ўртача йиллик сони 100 кишидан ортиқ бўлса.

Мажбурий аудиторлик текширувлари тўғрисидаги ахборот ижтимоий аҳамиятдаги ташкилотларнинг идентификация маълумотларини ва аудиторлик хулосасини кўрсатган ҳолда аудиторлик ташкилотлари ўзларининг веб-сайтларида ёки аудиторлар жамоат бирлашмаларининг веб-сайтларида жойлаштирилиши керак.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказиладиган мажбурий аудиторлик текширувидан бош тортиш ижтимоий аҳамиятдаги ташкилотнинг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жазо қўлланилишига сабаб бўлади. ижтимоий аҳамиятдаги ташкилотнинг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин календарь йил тугагунига қадар мажбурий аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиш хўжалик юритувчи субъектдан энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ундиришга сабаб бўлади. Жариманинг тўланиши хўжалик юритувчи субъектни мажбурий аудиторлик текширувидан ўтишдан озод қилмайди.

34-модда. Ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви хўжалик юритувчи субъект, унинг тасисчилари (қатнашчилари), назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказилиши мумкин.

Аудиторлик текшируви назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ташаббусига кўра аудиторлик ташкилоти ва ушбу органлар ўртасида тузилган шартнома асосида ўтказилади ҳамда унга мазкур шартнома асосида ҳақ тўланади.

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича ишларга ҳақ тўлаш аудиторлик текширувини ташаббус кўрсатган шахс ҳисобидан амалга оширилади.

Айнан бир хил асосларга кўра айнан бир аудиторлик ташкилоти айнан бир хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини текширишга такрор жалб этилишига йўл қўйилмайди.

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувининг предмети, муддатлари ва бошқа шартлари аудиторлик текширувининг буюртмачиси билан аудиторлик ташкилоти ўртасида тузиладиган шартномада белгилаб қўйилади.

35-модда. Хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик текшируви ўтказиладигандаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъект қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

аудиторлик хулосасини олиш;

бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ҳисоботни тузиш тартиби тўғрисида ҳамда аниқланган камчиликлар ва қоидабузарликларни тўғрилаш ҳақида аудиторлардан маслаҳат ва тавсиялар олиш.

Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъект мажбуриятлари:

аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисидаги шартномада белгиланган муддатларда аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторга керакли шароитларни яратиб бериши, унга зарур ҳужжатларни тақдим этиши;

Аудитнинг халқаро стандартларига ва аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисида тузилган шартномадан келиб чиқадиган бошқа мажбуриятларга амалга қилиш;

аудиторлик текшируви давомида аниқланган камчиликлар ҳақидаги маълумотларни кўриб чиқиш ва кўрсатилган маълумотларни олинган кундандан 30 кундан кечикмаган муддатда аудиторлик ташкилотини кўриб чиқиш натижалари ҳақида ёзма шаклда хабардор қилиш керак.

Хўжалик юритувчи субъект ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширилаётган аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиш ёки унга халақит бериш мақсадларида у ёки бу ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) содир этишга ҳақли эмас.

Хўжалик юритувчи субъект қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва унинг зиммасида ўзга мажбуриятлар бўлиши мумкин.

36-модда. Аудиторлик хулосаси

Аудиторлик хулосаси — молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби юритиш тартибининг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклда ифодаланган, хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очиқ бўлган ҳужжат.

Аудиторлик хулосаси аудитор (аудиторлар), аудиторлик ташкилотининг раҳбари томонидан имзоланган ва аудиторлик ташкилоти муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган бўлиши керак.

Аудиторлик хулосасининг шакли ва мазмуни аудитнинг халқаро стандартлари билан белгиланади.

37-модда. Қасддан сохта тузилган ва аудиторлик хулосаси

Аудиторлик текширувини ўтказмай тузилган ёхуд аудиторлик текшируви натижалари бўйича тузилсада, лекин аудиторлик текшируви давомида аудитор (аудиторлар) томонидан олинган ва ўрганилган хўжалик юритувчи субъект ҳужжатлари мазмунига мувофиқ бўлмаган аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси қасддан сохта тузилган ҳисобланади.

Аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси қасддан сохта тузилганлиги аудиторлик фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг амал қилишини белгиланган тартибда тугатишга, шунингдек айбдор шахслар қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

38-модда. Аудиторлар иши сифатининг ички назорати

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлар иши сифатининг ички назорати қонунда белгилайди ва амал қилади. Аудиторлар иши сифатининг ички назоратини амалга ошириш принциплари аудиторлик фаолияти стандартлари билан белгиланади.

5-БОБ. АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ

39-модда. Махсус ваколатли давлат органи

Аудиторлик фаолиятини бошқариш соҳасида махсус ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги. Бу орган:

аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатларини ўз ваколатлари доирасида тасдиқлайди ва аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш тартиби белгилайди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги ҳақидаги маълумотга мувофиқ ёки аудиторлик ташкилотлари фаолияти таваккалчилигини таҳлил қилиш бўйича текширув ўтказиш.

аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан келишган ҳолда енг камида уч йилда бир марта аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш, ҳамда мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назорати натижаларини ўзининг расмий веб-сайтида элон қилади;

сертификатини олиш учун даъвогарларга малака талабларини белгилайди;

аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан келишган ҳолда сертификати олиш учун малака имтиҳонларини топшириш тартибини тасдиқлайди;

аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари иштирокида малака имтиҳонини ўтказиши;

аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик ташкилотларнинг реестрини юритади ва уни ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштиради;

сертификатни беради, қайта расмийлаштиради, бекор қилади, унинг амал қилишини узайтиради ва тугатади;

сертификатга эга бўлган аудиторлар реестрини ва аудиторлар ҳақидаги маълумотларни ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштиради;

аудиторлик хизматлари бозори ҳолатини таҳлил қилади.

40-модда. Аудиторлик ташкилотлари иши сифатининг ташқи назорати

Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг ушбу Қонун, Аудитнинг халқаро стандартлари ва аудиторлар профессионал этика кодекси талабларига амал қилиши иш сифати ташқи назоратининг предмети ҳисобланади.

Махсус ваколатли давлат органи аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан келишган ҳолда аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиши.

аудиторлик ташкилотлари иши сифати ташқи назоратнинг асосий принциплари:

қонунийлик;

аудиторлик ташкилотлари иштироки мажбурияти;

ташқи сифат назоратни амалга оширишда ошкоралик ва шаффофлик;

ташқи сифат назоратни натижалари ишинчилиги.

мажбурий аудиторлик текширувидан ўтадиган аудиторлик ташкилотларида ташқи сифат назорати уч йил давомида бир мартадан кам бўлмаган, лекин бир йилда бир мартадан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг аудиторлик ташкилоти ёки аудитор Аудитнинг халқаро стандартлари, аудиторлар профессионал этика Кодекси ва ушбу Қонун талабларига амал қилмаганлиги ҳақидаги мурожаати (шикояти) аудиторлик ташкилоти ёки аудитор иши сифатни режадан ташқари ташқи назоратдан ўтказишга асос бўлади.

Ташқи сифат назорати натижалари махсус ваколатли давлат органининг ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаларининг веб-сайтида эълон қилинади.

Аудиторлик ташкилотлари иши сифатнинг ташқи назоратини амалга ошириш ва ташкиллаштириш қоидалари аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан келишилган ҳолда махсус ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

41-модда. Аудиторлик ташкилоти фаолиятининг тугатилиши

аудиторлик ташкилоти ҳақидаги маълумотнинг аудиторлик ташкилотларининг реестридан чиқарилиши унинг фаолиятини тугатилишига асос бўлади. Қуйдаги ҳолларда:

аудиторлик ташкилоти фаолиятини тугатиш тўғрисида аризаси;

аудиторлик ташкилоти тугатилганда;

қайта ташкил этилиши натижасида аудиторлик ташкилотининг фаолияти тугатилганда, бундан унинг ўзгартирилиши мустасно;

аудиторлик ташкилоти ушбу Қонуннинг 27 моддасида келтирилган талабларни мунтазам равишда (икки мартадан ортиқ) ёки бир мартада кўпол равишда бузганда;

Аудиторлик ташкилоти ҳақидаги маълумотнинг аудиторлик ташкилотларининг реестридан чиқарилишига сабаб бўладиган бир мартада кўпол равишдаги талаблар бузилишига қуйидагилар киради:

аудиторлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шуғулланиш;

аудиторлик фаолияти амалга оширишда мустақилликни таъминламаслик;

қасдан сохта аудиторлик хулосаси тузиш;

Аудиторлик текшируви жараёнида олинган махфий ахборотни аудиторлик текширувининг буюртмачиси рухсатсиз ошкор қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

аудиторлик текшируви жараёнида ушбу Қонуннинг 30 моддасида кўрсатилган чекловларга амал қилмаслик;

аудиторлик фаолиятини амалга оширишда аудиторлик ташкилоти жавобгарлигининг суғурта полисига эга бўлмаслиги;

аудиторлик ташкилоти иши сифатини ташқи назоратидан, ҳамда рэнкинг ўтказишда иштирок этишдан бош тортиш.

Ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи-еттинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда аудиторлик ташкилоти ҳақидаги маълумотнинг аудиторлик

ташкilotларининг реестридан чиқарилиши суд қарорига, бошқа ҳолларда эса махсус ваколатли давлат органи қарорига биноан амалга оширилади.

Аудиторлик ташкilotи ҳақидаги маълумотнинг аудиторлик ташкilotлари реестридан чиқарилиши тўғрисидаги махсус ваколатли давлат органи қарори аудиторлик ташкilotига почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай етказилади.

Аудиторлик ташкilotи фаолияти аудиторлик ташкilotи ҳақидаги маълумотнинг аудиторлик ташкilotлари реестридан чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан тўхтатилади.

42-модда. Аудиторлик ташкilotлари реестри

Махсус ваколатли давлат органи аудиторлик ташкilotлари реестрини юритада. Унда қуйидагилар кўрсатилади:

аудиторлик ташкilotининг номи ва унинг жойлашган ўрни (почта манзили);

телефон алоқа рақами;

ҳисоб-китоб счёти;

электрон манзили (веб-сайт)

солиқ тўловчининг идентификация рақами;

ташкilot раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми ва аудитор малака сертификатининг рақами, санаси ҳамда ташкilotда ишлайдиган аудиторлар малака сертификатларининг рақами ва санаси:

аудиторлик ташкilotининг реестрга қўшилган санаси;

аудиторлик ташкilotини реестрдан чиқаришда асос ва санаси.

Ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтган аудиторлик ташкilotи аудиторлик ташкilotлари реестрига маълумотларини киритиш учун махсус ваколатли давлат органига қуйидагиларни тақдим этади:

аудиторлик ташкilotининг номи, почта ва электрон манзили, веб-сайти (мавжуд бўлганда);

асосий иш жойи тамонидан тасдиқланган энг кам сони камида 4 нафар штатдаги аудитордан иборат бўлган аудиторнинг ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ нусҳасини ва меҳнат дафтарчасини (нусха олиб, асли қайтарилади).

Мазкур ҳужжатлар бир нусҳада тақдим этилади.

Аудиторлик ташкilotларидан ушбу моддада кўрсатилмаган ҳужжатларни тақдим қилишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Махсус ваколатли давлат органи бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур маълумот ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади.

Аудиторлик ташкilotи ҳужжатларини кўриб чиқиш ва аудиторлик ташкilotлари реестрига маълумотларини киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш муддати ариза ва зарур ҳужжатлар келиб тушган кундан бошлаб 15 календарь кунни ташкил этади.

Махсус ваколатли давлат органи аудиторлик ташкilotини маълумотларини аудиторлик ташкilotлари реестрига киритишдан қуйидаги ҳолларда рад этади:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси маълумотлар базасидан олинган етказиб берилган электр энергия, табиий газ, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати текшируви натижасида аниқланган қаздорлик ҳақида тегишли кўчирма нусхасини тақдим этганда;

аудиторлик ташкилоти ишончсиз ёки чалкаш маълумотлар тақдим этганда;
ушбу Қонуннинг 25-моддаси талабларига мувофиқ келмаса.

43-модда. Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси

Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси аудиторлик ташкилотларини ва аудиторларни бирлаштирадиган нодавлат ноижорат ташкилотидир.

Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси аудиторларнинг малака даражасини ривожлантиришга ва сақлаб туришга, уларнинг касбий манфаатлари ҳимояланишига кўмаклашишга даъват этилгандир.

Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси:

аудиторлик малака сертификатини олишга доир малака имтиҳонларини топшириш тартибини ишлаб чиқишда;

аудиторлар малака сертификатини олишга доир малака имтиҳонларини ўтказишда;

аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлашда;

аудиторлик ташкилотлари фаолиятини рейтингини ташкил қилишда иштирок этади.

ўз аъзолари реестрини юритади ва веб-сайтига жойлаштиради;

ўз аъзолари нисбатан аудиторлик ташкилотлари иши сифати назоратини амалга оширади;

аудиторлар касбий этика ягона кодексини тасдиқлайди;

бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича халқаро ташкилотлар ишида иштирок этади;

махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш тартибини белгилайди.

44-модда. Низоларни ҳал этиш

Аудиторлик фаолиятини амалга оширишда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

45-модда. Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.